



## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОҚИМИНИ КЎПАЙТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Жумақулов Озодбек**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0000-7667-7702

[ojumaqulov.97@gmail.com](mailto:ojumaqulov.97@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда инвестиция муҳитининг ҳолатини инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибadorлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, экологик ва бошқа шарт-шароитларнинг умумлаштирувчи хусусиятларидан бири эканлиги ўрганилиб тегишли таклиф ва хулосалар берилди.

**Калит сўзлар:** инвестиция, пул сақлаш, кўпайтириш, фойда олиш, инвестиция муҳити, инвестиция муносабати, инвестициявий жозибadorлик.

## УВЕЛИЧЕНИЕ ПОТОКА ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ – ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ

**Жумақулов Озодбек**

Самарқандский институт экономики и сервиса

**Аннотация.** В данной статье состояние инвестиционной среды в нашей стране исследуется как одна из обобщающих характеристик экономических, социальных, организационных, правовых, политических, экологических и других условий, определяющих целесообразность и привлекательность инвестиционной деятельности, а также целесообразность ее осуществления. были даны предложения и выводы.

**Ключевые слова:** инвестиции, экономия денег, прирост, прибыль, инвестиционная среда, инвестиционное отношение, инвестиционная привлекательность.

## INCREASING THE FLOW OF FOREIGN INVESTMENTS IS CONSIDERED AN IMPORTANT FACTOR OF INCREASING THE ATTRACTIVENESS OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT

**Jumakulov Ozodbek**

Samarkand Institute of Economics and Service

**Abstract.** In this article, the state of the investment environment in our country is examined as one of the general characteristics of economic, social, organizational, legal, political, environmental and other conditions that determine the feasibility and attractiveness of investment activities, as well as the feasibility of its implementation. Proposals and conclusions were given.

**Key words:** investments, saving money, growth, profit, investment environment, investment attitude, investment attractiveness.

### **Кириш.**

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий негизда мамлакатимизга хорижий капитал оқими ва инвестицияларни жалб қилиш устувор вазифа сифатида қаралмоқда, бир қанча чора-тадбирлари ишлаб чиқиб амалда фойдаланиб келинмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, инвестиция фаоллигининг ўсиш суръатлари инвестиция муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Инвестиция муҳитининг жозибадорлиги хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Иқтисодиётда инвестиция фаолиятининг ривожланиши, ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилишнинг кўлами, йўналишлари ва самарадорлиги, бевосита, инвестиция муҳитига боғлиқдир.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Ушбу масалага Россия Федерациясининг иқтисодчи – олимларидан ижобий натижага эришилишини таъминлашга хизмат қилувчи таърифни бериб ўтишган. Игошина (2005) “инвестициялар – пулни сақлаш, кўпайтириш ёки ижобий миқдордаги даромадни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уни жойлаштириш мумкин бўлган ҳар қандай восита сифатида ифодаланади”.

Профессор Нешиной (2006) эса - инвестицияларнинг мазмунини “фойда олиш ёки бошқа самараларга эришиш мақсадида ўз ёки ўзга мамлакатнинг турли тармоқларига, тадбиркорлик лойиҳалари, ижтимоий-иқтисодий дастурлар ҳамда инновация лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган пул маблағларини (капитални) узоқ муддатга жойлаштиришдир” деб тавсифлаган.

Инвестицияларга аниқ бир таъриф берилмаган бўлсада ҳам проф. Ғозибеков (2003) ўзининг илмий асарларида инвестициянинг моҳиятини молиявий категория сифатида талқин этишга эришган. У киши “Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади” деб таъриф берган.

Инвестициялар мазмун – моҳиятига проф. Ҳайдаров (2003) қуйидаги таърифни беради: “Инвестиция – бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир”.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотни амалга оширишда услубий асос сифатида молиявий ва иқтисодий таҳлилнинг бир қатор усулларида фойдаланилди. Хусусан, иқтисодий, мантиқий, илмий абстракциялаш, қиёсий таҳлил, монографик тадқиқот, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, индукция ва дедукция ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Инвестиция муҳитининг ҳолатини инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, экологик ва бошқа шарт-шароитларнинг умумлаштирувчи хусусиятлари белгилаб беради. Инвестиция муҳити деганда, мамлакат иқтисодиёти ёки унинг маълум бир ҳудудига киритилган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий, экологик, маданий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади. У муайян ҳудудга инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини

белгилайдиган шарт-шароитларнинг мавжуд ижобий ва салбий томонларини англатади.

Инвестиция муҳити инвестиция муносабатларини амалга ошириш мумкин бўлган имкониятлар ва қулайликлар мажмуасини ўзида акс эттирган воқелиқдир. Инвестиция муҳитини яхшилашдан мақсад инвестиция салоҳиятини ошириш учун зарур ва мақбул шарт-шароитларни яратиш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва пировардида, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини яратишдан иборат. Инвестиция муҳити ҳолати яратилган ҳуқуқий база ва унинг асослари, қонун ҳужжатларининг сифатли тузилиши ва уларга риоя қилинишини талаб этади. Инвестициявий жозибadorлик – мамлакат, тармоқ ёки алоҳида олинган бирор-бир корхона инвестицияларининг даромадлиги, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция risks даражаси нуқтаи назаридан баҳоланиши. Инвестициявий жозибadorлик инвестиция салоҳияти ва инвестиция risks даражасини шакллантирадиган икки гуруҳ омилларнинг бир вақтда таъсир этиши орқали аниқланади. Бу каби кўрсаткичларга баҳо бериш орқали инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда жозибadorлиги, инвестиция risks даражасини аниқлаш мумкин.

**1-жадвал**

**Мамлакатнинг инвестиция муҳити ва уни келтириб чиқарадиган омиллар (Вахабов ва бошқ., 2010)**

Омиллар	Мазмуни
<b>Иқтисодий ҳолат</b>	Мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта-пул тизими барқарорлиги, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги, ички бозор сиғимининг катталиги, инфляция даражаси, ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари
<b>Ҳуқуқий база</b>	Янги шароитларга мос келадиган, мамлакат ва унинг алоҳида тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқарадиган ҳуқуқий-меъёрий, жумладан, республика Президентининг фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, тегишли низом ва йўриқномаларнинг мавжудлиги
<b>Табиий хом ашё ресурслари</b>	Минерал, хом ашё, ёқилғи-энергетика ва сув ресурслари заҳиралари, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ишлаб чиқариш ҳажмлари
<b>Меҳнат ресурслари ва бандлик</b>	Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишсизлик даражаси, хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси, аҳолининг саводхонлиги
<b>Ишлаб чиқаришнинг техник базаси</b>	Асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ускуналарнинг фойдаланиш муддати, асосий фондларнинг эскириши даражаси
<b>Илмий-техника салоҳияти</b>	Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажмлари, инвестиция riskлари даражаси, ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиши, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ва ИТТКИ соҳасини ривожлантириш ҳолати, маҳсулотнинг фан сиғимкорлиги катта ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш
<b>Молия-кредит тизими</b>	Солиқ ва кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фойдалилик ва рентабеллик даражаси. Нарх сиёсати ва нархни шакллантириш сиёсати
<b>Инфратузилма</b>	Банк тизимининг ривожланиши ҳолати, транспорт, коммуникация хизматлари ва мехмонхона хўжалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматлари, суғурта соҳаси тармоғининг ишончлилиги
<b>Экологик вазият</b>	Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, радиацион фон, зарарли чиқиндилар, табиий иқлим ва унинг ўзгариши, хорижий фуқароларнинг унга мослашиш даражаси

Инвестиция rischi даражаси инвестиция муҳитига, бевосита, тўғридан-тўғри боғлиқдир. Инвестиция муҳити табиий шарт-шароитлар, фойдали қазилмалар заҳиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими, товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, валюта сиёсати, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг яратилганлиги каби омиллар орқали белгиланади.

2-жадвал

**Инвестиция муҳити ҳолатини белгиловчи кенгайтирилган омиллар**

Таъсир этувчи омиллар гуруҳи	Кўринишлари
<b>1.СИЁСИЙ ОМИЛЛАР</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Давлатнинг ички ва ташқи инвестициялар бўйича сиёсати</li> <li>2. Давлатнинг иқтисодиётга аралаштириш даражаси</li> <li>3. Мамлакатнинг халқаро шартномаларга қўшилганлик даражаси</li> <li>4. Мамлакатнинг халқаро битимларга риоя қилиши</li> <li>5. Сиёсий аҳволнинг барқарорлиги (сиёсий ҳаракатлар, тўқнашувлар, қўшни давлатларнинг осойишталиги)</li> <li>6. Сиёсий ҳокимиятнинг мақсадли ҳаракати</li> <li>7. Давлат аппаратининг самарали иш юритиши</li> <li>8. Кўп партиявийлик ва сиёсий гуруҳларнинг мавқеи</li> <li>9. Солиқ, валюта, нарх, пул-кредит сиёсатининг инвестиция сиёсатига уйғунлиги</li> <li>10. Мамлакатдаги экологик вазият ва ҳукуматнинг экологик соғломлаштириш бўйича сиёсати кўлами</li> </ol>
<b>2.ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи</li> <li>2. Инфляция даражаси</li> <li>3. Солиқ имтиёзлари</li> <li>4. Божхона тартиби</li> <li>5. Мамлакатнинг табиий ва хом ашё ресурслари ҳолати</li> <li>6. Ишчи кучи ҳолати ва қиймати</li> <li>7. Ишчи кучидан фойдаланиш тартиби</li> <li>8. Муайян товарлар учун талаб ва таклиф</li> <li>9. Рақобат ва баҳонинг эркинлиги</li> <li>10. Валюта конвертацияси, миллий валюта курсининг барқарорлиги</li> <li>11. Банк фоиз ставкалари</li> <li>12. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари</li> <li>13. Мамлакатнинг географик жихатдан жойлашуви (табиий офатлар, денгиз ва қуруқлик йўллари, иқлим шароити)</li> </ol>
<b>3. ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Хусусий мулк ҳамда хорижий инвестицияларга нисбатан маҳаллий аҳоли муносабати</li> <li>2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи</li> <li>3. Аҳолининг мафкуравий қарашлари ва уларнинг турли-туманлиги</li> <li>4. Мамлакатда турли миллатликка нисбатан мавжуд муносабат</li> <li>5. Аҳолининг саводхонлик даражаси</li> <li>6. Ишчи-мутахассислар малакаси, кўникмалари ва тажрибаларининг ўсиб бориши ва унга интилиш</li> <li>7. Янгиликлар ва турли хил ихтироларга аҳолининг муносабати ва уларни қабул қилиш даражаси</li> </ol>
<b>4. ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАР</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Инвестиция фаолияти ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамлик даражаси</li> <li>2. Инвестиция фаолиятини бевосита таъминловчи ҳуқуқий асоснинг мустаҳкамлик даражаси</li> <li>3. Инвестиция фаолиятининг меъёрий асослари (фармонлар, қарорлар, қонунлар, низомлар, йўриқномалар ва ҳ.к.)</li> </ol>

Қулай инвестиция муҳитининг яратилиши ва хорижий капитални қабул қилиш тизимининг самарали бўлиши хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурий шarti бўлиб ҳисобланади. Инвестиция муҳити инвестиция ресурсларини жойлаштириш учун умумий мезон бўлиб, биринчи навбатда, капитал маблағларнинг даромадлигини таъминлаб беришга имконият яратади.

Мамлакатнинг инвестиция муҳитини шакллантирадиган омиллар мажмуини 1-жадвал орқали ифодалаш мумкин. Ҳар қандай давлатга инвестицияларнинг кириб келиши ва ривожланиши мазкур мамлакатдаги инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларга бевосита боғлиқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, инвестиция муҳитига айрим қонунларнинг ёки меъёрий ҳужжатларнинг тўлақонли бўлмаслиги салбий таъсир этади. Бундай камчиликларнинг мавжудлиги инвесторнинг ўз истиқболини белгилаш, қўйилманинг фойдалилик даражасини аниқлаш борасидаги қобилиятини камайтиради. Амалда инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар, асосан, тўрт гуруҳга бўлиниб, улар ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни ташкил этади (2-жадвал). Миллий хусусиятларга хос инвестиция дастурлари ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун қуйидаги қўшимча чора-тадбирларни бажариш лозим бўлади:

- иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни пропорционал жалб этишнинг умумлашган аниқ дастурини ишлаб чиқиш;
- тармоқ хусусияти ва иқтисодиёт ривожига қараб эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш;
- тармоқлардаги масъул ходимларнинг хорижий инвестицияларни жалб этишдаги фаоллиги ва масъуллигини ошириш;
- тармоқларда алоқа, телекоммуникацияни ривожлантириш орқали инвесторларнинг эркин ва тўлиқ ахборотлар олишини таъминлаш.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва хорижий инвесторларни республикага кўпроқ жалб этиш мақсадида уларга учун қатор солиқ ва божхона имтиёзлари белгиланган.

Ҳар бир мамлакатдаги инвестиция муҳити, биринчи навбатда, унинг сиёсий барқарорлигидадир. Ҳудди ана шу омил хорижлик инвесторларнинг бошқа мамлакатга узоқ муддатли шартномалар асосида ресурсларни киритиш имкониятини беради. Бундай муҳит узоқ муддатли инвестиция режаларини амалга оширишда жуда муҳимдир.

### **Адабиётлар /Литература/Reference:**

Jumaqulov, O. (2023). ERKIN IQTISODIY ZONALAR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH VA INVESTITSİYALARNI JALB QILISH MASALALARI. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 1(7), 80-83.

Ozodbek, J. (2023). CREATING AN ACCEPTABLE INVESTMENT ENVIRONMENT IS ONE OF THE IMPORTANT CONDITIONS OF STATE POLICY. *British View*, 8(4).

Ozodbek, J. (2023). IN THE INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE REGIONAL ECONOMY FOREIGN EXPERIENCE. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(7), 146-151.

Safarov, Bahodirhon, and Djumaqulov O. Sh. "Tourism industry development is increasing, new jobs will increase incomes and living standards." *Архиваруыс* 2 (47) (2020): 105-107.

*Shukhratovch, J. O. (2023). INVESTMENTS IN INFRASTRUCTURE DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN: TRANSPORT NETWORKS, ENERGY, AND COMMUNICATIONS. IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(5), 209-227.*

*Вахабов А.В., Хажобакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. (2010) Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», – Б. 174.*

*Ғозибеков Д.Г. (2003) Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, – 330 б.*

*Игошина Л.Л. (2005) Инвестиции. Уч. пос. – М.: «Экономист», – С. 23.*

*Нешиной А.С. (2006) Инвестиции: Учебник. – 4-е изд. – М.: «Дашков и К0», – С. 13.*

*Ҳайдаров Н.Ҳ. (2003) Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: Иқтисод фанлари доктори. дисс. автореф. –Т., – 42 б.*